

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ИНОЯТХОДЖАЕВ ЖАМШИД ШУХРАТУЛЛАЕВИЧ

**НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ ДВИГАТЕЛНИ АВТОМОБИЛЬ
МЕХАТРОН ТИЗИМИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Техника фанлари доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук
Contents of dissertation abstract of doctor of sciences

Иноятходжаев Жамшид Шухратуллаевич
Нейрон тармоқлари орқали двигателни автомобиль мехатрон тизими
билан интеграция қилиш усуллари ишлаб чиқиш3

Иноятходжаев Жамшид Шухратуллаевич
Разработка методов интеграции двигателей с мехатронной системой
автомобилей с помощью нейронных сетей27

Inoyatkhodjaev Jamshid Shuhratullaevich
Engine and vehicle's mechatronics integration using neural networks methods
developing49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....53

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ИНОЯТХОДЖАЕВ ЖАМШИД ШУХРАТУЛЛАЕВИЧ

**НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ ДВИГАТЕЛНИ АВТОМОБИЛЬ
МЕХАТРОН ТИЗИМИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T61 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tayl.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухитдинов Акмал Анварович
техника фанлари доктори, профессор

Арипджанов Мадамин Магруппович
техника фанлари доктори, профессор

Марио Лавелла
Doctor of science, professor (Италия)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкентдаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, А.Темур шоҳ кўчаси 20 уй. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел.: (99871) 232-14-45.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.М.Бабоев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.А.Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган технология ва эксплуатация даврида атроф муҳитни сақлашга йўналтирилган юқори технологияларга эга бўлган автомобилсозлик корхоналарини қайта жиҳозлаш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан Германия, АҚШ, Япония, Франция, Италия, Жанубий Корея, Буюк Британия ва бошқа давлатларида автомобиль саноатида юқори самарадорликка эга бўлган янги технологияларни амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз мустақиликка эришгач саноат ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш ҳамда эксплуатация давомида машиналар куч агрегатларидан чиқувчи атроф муҳитни ифлослантувчи газларни камайтувчи технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада автомобиль ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди, жумладан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг агрегат қисмлари маҳаллийлаштирилди ва турли хил ҳажмдаги двигателларни ишлаб чиқариш ҳисобига автомобилларни модернизация қилиш имконияти яратилди. Шулар билан бир қаторда автомобилни ишлаб чиқаришда куч агрегатларини меҳатрон қурилмалар ёрдамида ўзаро интеграция қилиш орқали автомобилнинг техник тавсифларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада двигатель ва автомобиль меҳатрон тизимларини нейрон тармоғи орқали интеграцияси, двигателнинг электрон бошқарувини меҳатрон адаптор орқали бошқариш, автомобиль двигателининг синов жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда автомобиль двигателининг цилиндр ҳажмини камайтириш – даунсайзинг усули билан ёқилғи тежамкорлигини, чиқинди газлар ҳажмини камайтириш услубларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан, классик автомобиль назарияси ва автомобилсозликдаги замонавий технологиялар асосида двигателни автомобиль меҳатрон тизими билан интеграциясини таъминлаш, “Автомобиль меҳатроникаси-двигатель-электрон бошқарув тизими” муҳитида унинг ҳар бир элементининг ўзаро номувофиқлигини бартараф қилиш, интеграция қилинаётган двигателни ёқилғи тежамкорлигини ва экологик кўрсаткичларни баҳолаш услубларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 декабрдаги ПҚ-1020-сон «Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «Дженерал Моторс Пауэртрейн – Ўзбекистан» корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Автомобилсозлик саноати учун янги интеграция технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Tokio Technology University қошидаги муҳандислик маркази (Япония), Ulsan University тадқиқот маркази (Жанубий Корея), Munich University (Германия), Zwickau Engineering Center (Германия), Chicago University қошидаги илмий-тадқиқот марказларида (АҚШ) кенг қамровли илмий-тадқиқотлар ишлари олиб борилмоқда.

Двигателни автомобиль мехатрон тизими билан нейрон тармоқлар орқали интеграциясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: двигатель ва автомобиль мехатроникаси интеграциясига оид иккилик тизим услуби ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); автомобиль бошқарув тизимида софт дастурлари ёрдамида автомобиль моделлараро интеграциясини таъминлаш услуби ишлаб чиқилган (Bosch, Германия); нейрон тармоқлар ишлаш принципларига қараб сунъий, гибрид, аниқ ва ноаниқларга таснифлаш орқали танлаш услублари ишлаб чиқилган (Tokio Technology University, Япония).

Дунёда двигателни автомобиль мехатроника тизимига нейрон тармоқлар орқали интеграция қилиш муайян усулларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш; саноат

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.stat.berkeley.edu/~bartlett/nnl/>, https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-540-79257-4_7, <https://www.autosar.org/>, ва бошқа маънабалар асосида ишлаб чиқилган.

тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини такомиллаштириш; экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш; меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш; энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида двигателни автомобиль мехатрон тизими билан интеграция масалалари бўйича турли услублар ишлаб чиқилган. Двигатель ва автомобиль интеграция масалалари билан Barrett D.S., Genta G., Berenji H.R. Daniels J., Egger K., Warga J., Ludwig A., McBeath S., Reimpell J., Stoll H., Runge W., Schoner H., Луканин В.Н., Шатров М.Г., Петров А.Б., Фролов Ю.Н. Лебедев О.В., Қодиров С.М., Мухитдинов А.А., Файзуллаев Э.З. ва бошқалар томонидан олиб борилган. Бироқ, двигателларни автомобиль мехатроникаси ва бошқарув тизимига интеграцияси муаммолари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Лекин юртимизда двигатель ишлаб чиқарилмагунча, платформаларо интеграциянинг илмий-амалий муаммолари бўйича назарий тадқиқотлар ўтказиш эҳтиёжи мавжуд.

Бундан ташқари, уларда бир неча технологик жараёнларни бирлаштириш орқали интеграция схемалари, бошқариладиган объект модели орқали бошқарув тизими архитектурасини мослаштириш ва уларни унификация қилиш, бошқарув алгоритмларни нейрон алоқали тизимлар орқали ўзини-ўзи тизимлаштирувчи ва диагностика қилувчи тизимига илмий ҳамда амалий асос солиш, бу услублар ягона йўналишга умумлаштириш заруриятини юзага келтиради. Шунинг учун, маҳаллий ишлаб чиқариладиган автомобиль мехатрон тизимига қувватли агрегатининг интеграцияси электрон бошқарув тизими назариясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар устувор йўналиш ҳисобланади.

Республикамизда автомобиль ишлаб чиқариш жараёнига жорий этишда асосан тайёр дизайнлаштирилган модел олиниб унинг асосий қисмлари, жумладан унинг двигатели, маҳаллийлаштирилади. Бу каби жараёнларда бир қатор амалий муаммолар вужудга келади: автомобилни экспорти учун экологик чекловлари, ёқилғи сарфи бўйича талаби мамлакат ва ҳудудлар бўйича фарқлилиги; автомобилнинг опциялари бўйича хилма- хилликка ҳаридорлар талаби. Юқоридагилар, маълум бир автомобиль моделида (платформасида) бир неча хил двигател турлари билан жиҳозлашни талаб қилади. Ишлаб чиқарувчиларга қўйилган стандарт талабларига мос гибрид нейрон тармоқларни илмий асослаб бериш етарли даражада ўрганилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, талабга мос автомобилни турли двигателлар билан интеграция қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва «Дженерал Моторс Пауэртрейн Узбекистан» АЖ, ҳамда «Дженерал Моторс Пауэртрейн Европ» ҳамкорлигидаги L2C-J200-сонли «Янги турдаги двигателларини янгиланган Chevrolet Genra J200 автомобилига мослаштириш» лойиҳаси, шунингдек, «Янги турдаги Евро 6 двигателини жорий қилиш туфайли техник редизайн» (Technical Cost reduction) лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нейрон тармоқлари орқали двигателни автомобиль мехатрон тизими билан интеграция қилиш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

двигателни автомобиль мехатрон тизими билан нейрон тармоқлар орқали интеграцияси услубларини замонавий ҳолатини таҳлил этиш;

автомобилларнинг мехатрон тизимларини ва двигателларни янги нейрон тармоғига асосланган алгоритмли электрон бошқарув орқали интеграцияси усулларини ишлаб чиқиш;

двигателнинг электрон бошқаруви моделини мехатрон адаптор орқали бошқариш услубларни ишлаб чиқиш;

тармоқнинг кирувчи ва чиқувчи маълумотларини ҳисоблаш имкониятини берадиган нейрон тармоқ моделини ишлаб чиқиш;

автомобиль двигателининг “совуқ” ва “иссиқ” синовлари натижаларини таҳлил қилиш ва синовларни мехатрон адаптор ёрдамида такомиллаштириш усулини ишлаб чиқиш;

интеграция қилинаётган двигателни қуввати ва бурувчи моментини асослаш;

интеграция қилинаётган двигателни ёқилғи тежамкорлиги ва экологик кўрсаткичларини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тегишли иқтисодий самарадорликни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида автомобиль, унинг мехатрон адапторлик двигатели ва нейрон тармоғига асосланган бошқарув тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети двигателнинг асосий эксплуатацион кўрсаткичлари ва уни бошқариш алгоритмлари, автомобилни двигатель билан интеграция жараёнлари ва босқичлари, автомобиль конструктив-технологик ўлчамлари ҳамда иш тартибларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида классик механика, математик таҳлил ва математик статистика усуллари, назарий механика, тажрибани поғонали жараёнларни компьютерлаштирилган (имитацион ва симуляция) тизимлари орқали таҳлил қилиш усуллари, автомобиль назарияси, синтез усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

двигателни автомобиль мехатрон тизимига нейрон алоқалар

архитектурасига асосланган бошқарув тизими орқали интеграция қилиш услуги ишлаб чиқилган;

двигателни бошқарув тизими маълумотлари таҳлили ва бошқарувчи органларига етказиб беришнинг услуги (*нейрон алоқаларнинг дисперсияси*) яратилган ва унинг унумдорлиги асосланган;

учинчи авлод – йиғма маълумотларни таҳлиллаш ва оптимал режимларни танлаш турли автомобиль синфлари учун мехатроника тизимига эга бошқарув алгоритми яратилган;

ўт олдириш тизими учун мехатрон адаптор модели ишлаб чиқилган;

нейрон тармоқлари орқали двигателни бошқарув модели ишлаб чиқилган;

бошқарув тизимидаги нейрон алоқаларни интеграция сўровларига асосан танлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

енгил автомобилларни ишлаб чиқарувчилар учун маълум бир платформада янги ёки такомиллаштирилиётган автомобиллар учун двигателларни интеграция қилиш технологияси яратилган;

двигател ишлаб чиқариш жараёнида мехатрон адаптор қўллаш ҳисобига муайян мосланувчан ва ресурс тежамкор технологиялар жорий этилган (“GMPT TIS OP1900 for J200” технологик жараёнини такомиллаштириш);

двигателнинг ёқилғи тежамкорлигини ва экологик характеристикаларини автомобилнинг мехатрон тизими орқали такомиллаштириш усули яратилган;

бошқарув алгоритми ва бошқарув тизимининг янги архитектураси автомобилни электрон бошқариладиган агрегатлар иши ва уларнинг диагностикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, машиналарнинг параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослаш назарий механика ва олий математика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, двигателлар синовлари ўтказилиб, унинг кўрсаткичлари “совук”, “иссиқ”, динаметрик стендларида аниқланганлиги, тадқиқот объекти амалиётга, ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти автомобиллар, уларни мехатроникаси ва двигателлар нейрон тармоқлар орқали интеграция модели, аналитик боғланишлар ва ҳисобий услублар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усулларни автомобиль ва двигатель ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологияси ҳамда қурилмаларни ишлаб чиқилганлиги, иш унумдорлигининг ошишига, синов ва эксплуатация жараёнида ёқилғи харажаларини қисқартириш, ишлаб

чиқариш меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Двигателни автомобиль мехатрон тизимига нейрон алоқалар архитектурасига асосланган бошқарув тизими орқали интеграция қилиш услуги натижалари асосида:

двигателни бошқарув тизими маълумотлари тахлили ва бошқарувчи органларига етказиб бериш услуги “Дженерал Моторс Пауэртрейн Ўзбекистан” АЖга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” компаниясининг 2017 йил 14 августдаги 45/04-25-2688-сон маълумотномаси, технологик жараён техник шарти (Ts 22596387-01:2015)). Жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини 9% ошириш, тажриба ва машиналарнинг завод синовларини ўтказиш харажатларини 6,5% камайтириш, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини 11% ошириш имконини берган;

ўт олдириш тизими учун ишлаб чиқилган мехатрон адаптор модели ва унинг параметрларини асослаш услуги “Дженерал Моторс Пауэртрейн Ўзбекистан” АЖга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” компаниясининг 2017 йил 14 августдаги 45/04-25-2688-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ўт олдириш тизими учун ишлаб чиқилган мехатрон адаптор модели двигателларни синаш жараёнини такомиллаштириш имконини берган;

йиғма маълумотларни таҳлиллаш ва оптимал режимларни танлаш услуги “Ўзавтосаноат” компаниясининг корхоналарига, жумладан “Дженерал Моторс Пауэртрейн Ўзбекистан” АЖ, ва “UzKoji” ҚК жорий этилган (“Ўзавтосаноат” компаниясининг 2017 йил 14 августдаги 45/04-25-2688-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган йиғма маълумотларни таҳлиллаш ва оптимал режимлари турли автомобиль синфлари учун мехатроника тизимли J200 автомобили ва L2C BDOHC 1.5 двигателини тажриба-конструкторлик ва завод синовларини ўтказиш жараёнида қўлланилди. Илмий-тадқиқот натижасида ишлаб чиқариш жараёнида 48,4 кВт энергияни ва 6400 литр ёқилғи харажатларини қисқартириш, ишлаб чиқаришда меҳнат сарф-харажатларини 800 одам·соатга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 5та халқаро ва 10 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда ишончлилиги очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида двигателни автомобилга интеграциялашнинг асосий усуллари ва бу жараёнда қўлланадиган методик ишлар ифодаланган.

Автомобиль двигателни танлашда двигателнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш турли усуллар ва ўзига хосликлар кўрсатилган. 1-расмда куч агрегатидан (двигател/трансмиссия) керакли буровчи момент ва қувват айланма частотаси тезлиги бўйича ўзгариши турли автомобиль тезликларида ифодаланган.

Буни Barrett D.S., Berenji H.R. Daniels J., Egger K., Warga J., Ludwig A., McBeath S., Reimpell J., Stoll H., Runge W., Schoner H. ишларида аниқлаган. Шу каби услублар 1-бобда кенг ёритилган бўлиб, бу двигателни лойиҳалаш асосларига таълуқлидир.



1–расм. Двигателдан талаб этиладиган максимал бурувчи момент ва қувват

Аммо, бу каби лойиҳалаш жараёнлардан ташқари двигателни автомобиль мехатроникасига, унинг бошқариш тизимига интеграциялашнинг илмий ва амалий муаммолари бор. Илмий муаммоларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқарилиши мўлжаланган ёки ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун двигателни автомобиль мехатроникасига интеграция қилишнинг ягона услубини ишлаб чиқиш ва уларни ишончилигини асослаб бериш;


- двигателни бошқарув алгоритмлари ва унинг архитектурасига мослаштириш ва бошқарув математик моделини яратиш.

Амалий муаммолар:

- ишлаб чиқариш жараёнига интеграция моделини тадбиқ этиш;
- стенд ва йўл тажрибаларида бошқарув архитектурасини қўллаш.

Диссертациянинг 1-бобида ушбу муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилган ва келгуси бобларда уларнинг ечимлари тавсия этилган.

2-расмга кўра, бошқарув кўп тизимли бўлиб бир–бирига боғлиқ ташкил этувчилар таъсир қилади ва ушбу бошқарув тизимни лойихалаётганда шу боғлиқларни инобатга олиб тизимлаштириш лозим.



2–расм. Бошқарув тизимини ташкил этувчилари схемаси

Илмий адабиёти таҳлили шуни кўрсатдики, двигателни автомобиль мехатроникаси билан интеграцияси асосий муаммолари якуний маҳсулотга бўлган йиғма талаблар. Бу бир платформада автомобиль моделлар қаторини кенгайтиришга олиб келади ва турли авлод, синф автомобиль ҳамда двигателлар мослашуви илмий муаммосини келтириб чиқаради.

Ўрганиб чиқилган ишларда автомобиль мехатрон тизимларини таснифи, ўзаро боғлиқлиги кенг ёритилган. Лекин уларда ҳар хил тоифадаги двигатель ва автомобиль мехатроникаси интеграцияси кўриб чиқилмаган. Бу ўз навбатида мавжуд бўлган автомобиль қисмларини такомиллашган агрегатлар билан алмаштириш муаммосини туғдиради.

Диссертациянинг «Двигателни бошқарув тизими ва уни автомобилнинг бошқа қисмларини бошқарув тизимлари билан интеграцияси» деб номланган биринчи бобида бошқарув тизимида жараёнларини ва бошқарув актуаторларини сенсорлар билан боғлиқлиги кўриб чиқилган.

EGR (чиқувчи газлар рециркуляция клапани)дан ҳаво ҳажми ўтишини ҳисоблаш учун двигателнинг айланишлар сони ва цилиндрлардаги ҳаво миқдори ишлатилади. Бу калибрлаш кўрсаткичлар двигател қувватини ўзгариши ва чиқувчи газлар концентрацияси жоизлиги ўлчовда асосланган.

EGRга керакли ҳажм ҳаво ҳажми оқими коэффиценти ҳисобига асосланган:

$$V_{EGR} = Des. \% EGR \times V_{AIR} / (1 - \% EGR)$$

Бу ерда:

V_{EGR} - EGRга керакли ҳажм;

Des. % EGR – керакли (калибрлашда белгиланган) чиқувчи газлар концентрацияси фоизи;

V_{AIR} – ҳаво ҳажми;

% EGR - чиқувчи газлар концентрацияси фоизи.

Бу ҳисоб рециркулятор клапанининг ишлаш модели двигателни электрон бошқарув блоки (ЭББ) алгоритмига киритиш учун керакдир.

Шу билан бир вақтда, қуйидаги ўзгарувчан кўрсаткичларни алгоритмга киритиш лозим:

- барометрик босим;
- совутиш суюқлигининг температураси;
- эквивалентлик коэффиценти;
- трансмиссиянинг узатиш сони.

Оқимнинг эффектив юзаси учун оқим босимининг ҳисоби қилинади. Оқимни эффектив юзаси киритишга чиқариш босими коэффиценти вертикал топодиаграмма ўқи орқали қўйидаги қонуният орқали қўрилади:

$$cd \times Ae = m_{egr} \times \left[\frac{\sqrt{T_e \times R_e}}{P_e} \right] \times \left[\frac{1}{\Psi} \right]$$

бу ерда:

A_e – оқим босими;

C_d - EGR клапани газсизланиш коэффиценти;

$mass_{egr}$ – чиқиш газлари ҳажми;

T_e - чиқиш газлари температураси;

P_e - чиқиш газлари босими;

R_e – газ ўзгармас кўрсаткичи;

Ψ – ташқи омиллар коэффиценти.

Киритилаётган янги Ψ коэффиценти ташқи омилларга боғлиқ ва хар хил ҳажмларда босим фарқи ($P_r = P_{map} / P_e$) каби кўрсаткичларни ўз ичига олади ва клапан орқали ўтадиган оқим ҳаракатини белгилайди.


Трансмиссиянинг электрон бошқарув тизими. 3-расмда автомобиль трансмиссиясининг электрон бошқарув тизими кўрсатилган. Электрон

бошқарув тизими илашиш муфтасини уланиши ёки узулишини сенсорлардан олинган сигналлар асосида бошқаради. Бу сигналлар электромагнит қалпоғига етказилади. Қалпоқлар сони иккита бўлиб, актуатор вазифасини бажаради ва драйвмоторни ўчириб-ёқилишини таъминлайди.

Бу иккита қалпоқ “очиқ-ёпиқ” ҳолатларини бирикмаси орқали гидравлик тизим тўртта узатма ҳолатини таъминлайди (1, 2, 3 ва кўтарувчи узатма).

Автоматик трансмиссияда (дастур) бошқарув қоидалари двигателдан филдиракларга қувватни тортув-тезланиш хусусиятларни, ёқилғи тежамкорлигини инобатга олинганда оптимал узатмани таъминлайди.

Бу дастур устуворлик асосида кўрсаткичларни классификация қилади ёки бу классификация оператор томонидан бошқарув алгоритмига киритилган бўлиши лозим. Чунки баъзи бир ҳолатларда кирувчи кўрсаткичлар бир - бирига зид бўлиши ёки бир нечта кўрсаткичларни таъминлаш имконияти бўлмаслиги мумкин.



3–расм. Автомобиль трансмиссиясининг электрон бошқарув тизими: D_1 – совутиш суюқлигининг ҳарорат датчиги; D_2 – спидометрга ўрнатилган автомобиль тезлиги датчиги; D_3 – автоматик трансмиссияга ўрнатилган, автомобил тезлиги датчиги

Иккинчи боб натижасида қуйидаги хулосалар қилинди: ишлаб чиқилган маълумотни ёпиқ тармоқлар орқали етказиб бериб кирувчи ва чиқувчи сигналларни ЭББдан актуаторларга етказиб берувчи янги электрон бошқарув тизимининг бошқарув архитектураси талаб қилинган ёқилғи-ҳаво керакли 1:14,7миқдорида таъминлаши мумкин.

Нейрон тармоқлари дисперсияси орқали сигналларни синфларга тақсимлаш, яъни, бирламчи – жараёнга бевосита таъсир қилувчи, ва иккиламчи – жараёнда қўшимча маълумот йиғиш учун ишлатиладиган сигналларга бўлиш, шу билан бир қаторда иккиламчи сигналлар узок муддатли коррекция, бирламчилар – қисқа муддатли коррекция қилиниши лозимлиги асосланди. Бу бошқарувда гибридлаш деб тавсифланди.

Бошқарув тизимида ягона авлодик ва ягона синфлик бошқарувда шасси, осма бу тизимга интеграллаш мумкинлигини кўрсатди.

Механик дросселдан электрон дросселга ўтиш фақат учинчи авлод бошқарув тизими учун амалга оширилиши асосланди. Бу аввал яратилган автомобиллар учун маълум бир муамо туғдириши мумкин.


Диссертациянинг **“Автомобил мехатрон тизимини бошқарув алгоритмлари ва уни шакллантириш. Қувватли агрегатни бошқариш математик модели”** деб номланган иккинчи бобида нейрон тармоқларни имкониятлари таҳлилланади. Мехатрон тизимидаги қисмларни бошқарув алгоритмлари, бошқарув модели таҳлилланган, модель имитацияси ҳисоби таҳдим қилинган ва нейрон тармоқларни моделаштириш асосланган. Шунингдек, бобда гибрид ноаниқ нейрон тармоқларни орқали ВДОНС двигателини J200 автомобиль платформасига интеграцияси асосланган.

4-расмда муаллиф томонидан таклиф этилган автомобил двигателини нейрон тармоқлар тизими орқали бошқарув тизими келтирилган. Бу тизим ўз навбатида автомобил мехатрон тизими билан қўшилиб ягона бошқарув тизимни ҳосил қилади. Бу тизим нейрон қатламлар асосида яратилган ва универсал кўринишда бўлади. Янги ёки мавжуд автомобил платформаси мехатроникаси қатлам сифатида тизимга киритилади ва нейрон архитектураси бу қатламни қисқа вақтда ўзлаштириш имконига эга.

Бу архитектурадаги ноаниқлик – аниқ бир чегаралар йўқлиги ва бу кенгайишга имконият дегани. Тизим суб–тизимларни кўрсаткичларини ўрганиб, уни шакллантириши мумкин. Оператор фақат кирувчи ва чиқувчи кўрсаткичларни киритиши керак ҳолос. ННТ қанча кўп реал ҳолатларда ишласа, шунча уни “ўрганиш” имкониятлари ва маълумотлар базасини бошқариш такомиллашиб боради.

4-расмда қатламлар ўзаро алоқаси ҳам кўрастилган:

- биринчи қатлам кирувчи маълумотни қабул қилиб, уни саралаб беради;
- иккинчи қатлам ННТ орқали жараёнларни бошқаради – электрон бошқарув тизимидаги жараёнлар;
- учинчи чиқувчи кўрсаткичларига жавобгар – актуаторлар;
- тўртинчи қатлам – пост-процессинг ва ягона тизим ишини диагностикаси ҳамда маълумотларни сақлаш, коммуникаторлар орқали етказиб беришга жавобгар.



4–расм. Ноаниқ нейрон тизим (ННТ) архитектураси: а) ННТ намунаси; б) ННТ автомобил двигателини бошқарув архитектураси

Ноаниқ нейрон алоқаларни бошқарув алгоритми сифатида қўллаш бошқарув тизимини узлуксиз оптималлаштиришга ҳамда юқори эксплуатацион кўрсаткичларни сақлашга имконият беради.

Йиғилган маълумот базасини автокоррекцияси автомобил двигателини ишини ва уни автомобил мехатроникаси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш имконини беради.

Биз томондан таклиф этилаётган услуб ишлаб чиқариш жараёнида бошқарув маълумотларини электрон бошқарув тизимига киритилиши мумкин. Бу маълумотлар интеграция жараёнини янада тежамкор ва аниқроқ қилади.

Моделлаш натижаларининг таҳлили давомида ўт олдириш нуқтасини созлаш бирламчи аҳамиятга эгаллиги аниқланди. Бу нуқта тезлик ва қувватли агрегатни юкланишига қараб ўзгаради.

Моделни стенд ва йўл синовларига оптимал ҳолатда тайёрлаш ва уни лойиҳалашдаги камчиликларни бартараф қилиш учун ВДОНС двигателини J200 (Chevrolet Genra) платформасига интеграция симуляция синовлари ўтказилди.

Муаллиф томонидан интеграция жараёнида сигналларни саралаш услуги таклиф этилган. Бунинг асосида бошқарув тизимини операцион хотирасига сигналларни қўллаш алгоритми ҳамда бирламчи ва иккиламчи сигналларни йиғиш, таҳлиллаш алгоритмлари киритилади. Иккиламчи сенсорлар ёки бошқа маълумотлар манбалари орқали олинган маълумот клаустери тўлган бўлса, бу кластер форматланади. Бундай маълумотни тақсимлаш оператор ёки тизимлаштириш орқали белгиланиши мумкин.

Бундай услубни биз янги атама билан яъни – “Нейрон тизимини дисперсияси” деб атадик.

Автомобил ҳаракатида унга турли омиллар таъсир қилади. Бу омиллар автомобилни динамик хусусиятига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Тизим динамикаси ўзгарганда лойиҳаланган кўрсаткичларнинг ишлаш қонунияти чегараси мавжуд. Бу барқарор ҳолатдан бекарор ҳолатга ўтиш чегараларидир. Бунинг учун тизимни математик моделлашда шу омил кўрасткичини киритиш лозим.

ННТ ни Ванга-Мендел орқали ҳисоблаймиз.

Қатламлар чиқувчи кўрсаткичлари FP қуйидагича бўлади:

$$FP[i \cdot M + j] = \frac{1}{1 + \left(\frac{X[i] - C[i \cdot M + j]}{D[i \cdot M + j]} \right)^2}, \quad (2.1)$$

бу ерда $i = 0..N - 1$, $j = 0..M - 1$,

M – вариатив функциялар сони (вольтаж, импульслар жадаллиги ва шу кабилар);

$C [i \cdot M + j]$ – марказ ва $D[i \cdot M + j]$ тармоқ кенглиги (ташқил этувчилар кўплигига боғлиқ) – чизиксиз хусусиятлар.

Қатлам II кирувчи сигналлардан иборат (PV). Сигналлар қуйидагича ҳисобланади:

$$PV[i] = \prod_{j=0}^{N-1} FP[j] \quad , \quad (2.2)$$

бу ерда $i = 0..K - 1$, ва $K = MN$.

Қатлам III (электрон бошқарув қурилмадаги (ЭБК/ЭББ жараёнлар) икки хил сигналлардан иборат: биринчиси (S1) чиқувчи сигналлар учун шартларни созлайди, иккинчиси (S2) – агрегат сигналларни интерпретация қилади (шарҳлайди). Чиқувчи сигналлар қуйидагича ҳисобланади:

$$\begin{aligned} S1[j] &= \sum_{i=0}^{K-1} W[j, i] \cdot PV[i], \\ S2[j] &= \sum_{i=0}^{K-1} PV[i]. \end{aligned} \quad , \quad (2.3)$$

бу ерда $j = 0..L - 1$, L – чиқувчи сигналлар (агрегатлар) сони, $W[j, i]$ – тармоқнинг чизикли хусусиятлари.

Қатлам IV (актуаторлар/ бажарувчи қурилмалар) чиқувчи сигналлардан иборат ва қуйидагича ҳисобланади:

$$Y[i] = S1[i] / S2[i], \quad (2.4)$$

бу ерда $j = 0..L - 1$.

Қувватли агрегат/двигател бошқарув жараёнини оптималлаштириш двигател қисмларининг ейилиши натижасида кўрсаткичлар ўзгаришидан қатъий назар, двигател ишига салбий таъсирининг олдини олади.

Двигателни автомобилга интеграциясидан яна бир мақсад - бири ишлаб чиқаришдаги тарқатиш қийматларини камайтириш. Бу қийматлар мақсулот таннархини кўтарилишига олиб келади ва бозорда уни рақобатбардошлигини камайтиради.

Тадбиқ этилаётган нейрон тармоғи тузилишини танлаш. Илмий тадқиқотимизда биз бир нечта нейрон тармоқларни ўрганиб чиқдик ва уларни автомобил бошқарув тизимида қўллаш бўйича тафсилотларни ишимиз давомида кўрсатиб бердик.

Нейрон тармоғига асосланган бошқарув тизими учун математик модел яратиш уни ҳисобладик. Бу ҳисоблар нейрон тармоқларни тизимга қўйилган мақсадга кўра танланилиши мумкин. Уларни [нейрон тармоқларни] асосий хусусиятлари – мосланувчанлиги.

Тармоқ алгоритминини танлаш услубини яратиш ва унинг тузилишини шакллантириш учун илмий изланишимизда бир неча босқич ва услублар таклиф этдик. Бу уч услубдан иборат. Улар чиқувчи кўрсаткичларга (сигналлар, маълумотлар) кўра имитацион моделларини таққослашга асосланган.

Биринчи усул ўзини савиясини оширишда фойдаланадиган маълумотларни йиғиш ва таҳлиллаш тури бўйича тақсимланади: иш бажариш давомида, синов маълумотларни маълумотлар базасига сақлаш орқали; *иккинчи усул* – тасдиқлаш усули: динамик, яъни ўзгарувчан маълумотларни тақсимлаш; *учинчи усул* – маълумотларни тақсимлашсиз статистика асосида маълумотларни йиғиш.

Уч усул ёрдамида имитацион синаш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

– ҳажми кўп бўлмаган маълумот билан тасдиқлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ;

– олинган маълумотларни тахминий танловида статистика асосида маълумотларни йиғиш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ;

– ўзини савиясини оширишга асосланган усул тизимни (автомобил ёки двигател) қисқа муддат ишлаганда ўзини тўла-тўқис оқламади. Бу усул тизимни узоқ муддатли ишида ёки шаклланган базада самарадорлиги кўрсатди.

Тизимни моделлаш иккита поғонадан иборат. Биринчиси, оператор командаси асосида, ўзгариш динамикасини инобатга олган ҳолатда, тизимни моделини яратиш. Иккинчиси, моделни танлов алгоритмларини танлаш ва иш жараёнига баҳо бериш.

Двигателни бошқарув математик модели ва унинг ечими. Қўйилган мақсад двигателни ишлаш жараёнида математик тегламалар ва тизимдаги ўзаро боғланишлар орқали ўрганиш. Инжекторлик двигателларни асосий техник кўрсаткичлар аниқлаш учун қонуниятлари ҳисобига асослаган. Булар учқун бериш ва пуркаш вақтини (тирсакли вални айланиш бурчаги бўйича) аниқлаш. Тенглама динамик кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлиги учун келтирилади.

Турбокучайтиришсиз двигател учун тирсакли вал айланиш частотаси $\omega(t)$ нинг дифференциал чизикли тенгламаси кўйидаги шаклга эга:

$$T_D \frac{d\omega(t)}{dt} + K_D \omega(t) = h(t) - T_C M_C(t). \quad (3.1)$$

бу ерда $h(t)$ – ёқилғи пуркаш ва ўт бериш (учкун), ВДОНС двигатели учун фақат учкун бериш, вақти; $M_C(t)$ – юкланиш кўрсаткичи; t – вақт; T_D , K_D , T_C – двигателни конструктив ўзига хослигини инобатга олувчи доимий кўрсаткичлар.

Ўт бериш $h(t)$ (3.1.) тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$h(t) = T_D \frac{d\omega(t)}{dt} + K_D \omega(t) + T_C M_C(t). \quad (3.2)$$

Синаш жараёнида ИЁД бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш учун t_i ва ω_i олинади. t_i ва ω_i айнан шу ҳолат учун олинандиган кўрсаткичлар, i – ҳолатдан ҳолатга ўтиш нуқтаси.

Берилган интервалда частоталарни ўзгариш оралиғи чизикли тенглама орқали аниқланади, агар $\omega_i - t_i$ вақт учун керакли бошланғич тирсакли вал частотаси $\omega_{i+1} - t_{i+1}$ вақт учун керакли якуний тирсакли вал частотаси.

$\omega(t)$ тенгламаси кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\omega(t) = \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} \cdot t - \frac{t_i(\omega_{i+1} - \omega_i)}{t_{i+1} - t_i} + \omega_i, \quad (3.3)$$

бу ерда $i = \overline{1, n}$; n – ИЁДни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш нуқталар сони.

(3.2) тенглама ва берилган частоталарни ўзариш кўрсаткичлари бўйича, $h(t)$ ни кўйидаги тенглама билан ифодалаймиз:

$$h(t) = T_D \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} + K_D \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} \cdot t - K_D \frac{t_i(\omega_{i+1} - \omega_i)}{t_{i+1} - t_i} + K_D \omega_i + T_C M_C(t), \quad (3.4)$$

бу ерда $i = \overline{1, n}$.

Автоном, мустақил турбокучайтиргичли ИЁД учун чизикли дифференциал тенглама кўйидаги ифодаланади:

$$T_2^2 \frac{d^2\omega(t)}{dt^2} + T_1 \frac{d\omega(t)}{dt} + T_0 \omega(t) = T_h \frac{dh(t)}{dt} + K_h h(t) - T_M \frac{dM_C(t)}{dt} - K_M M_C(t), \quad (3.5)$$

бу ерда T_2 , T_1 , T_0 , T_h , K_h , T_M , K_M – двигателнинг конструктив ўзига хослигини инобатга олувчи доимий кўрсаткичлар.

Агар ИЁДни чиқувчи кўрсаткичларини аниқлаш орқали кўриб ҳисоблайдиган бўлсак (3.3), чизикли ω – тирсакли вал частотаси вақтга боғлиқлигини кўрсатади. Бошланғич шарт ИЁДни текис ишлаш ҳолатига кўра олинади.

Ноаниқ коэффициентлар усули ва Лаплас тенгламасининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда кўйидаги тенгламани ечамиз:

$$\begin{aligned}
h(t) = & \frac{T_0 \cdot (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h (t_{i+1} - t_i)} \cdot t + \left(\frac{T_1 (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h (t_{i+1} - t_i)} - \frac{T_0 \cdot t_i (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h (t_{i+1} - t_i)} + \right. \\
& + \frac{K_M M_C}{K_h} - \frac{T_0 \cdot T_h (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h^2 (t_{i+1} - t_i)} \left. \right) + \left(\frac{T_0 \cdot T_h (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h^2 (t_{i+1} - t_i)} - \right. \\
& \left. - \frac{T_1 (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h (t_{i+1} - t_i)} + \frac{T_0 \cdot t_i (\omega_{i+1} - \omega_i)}{K_h (t_{i+1} - t_i)} - \frac{K_M M_C}{K_h} \right) \cdot e^{-\frac{K_h \cdot t}{T_h}},
\end{aligned} \tag{3.6}$$

бу ерда $i = \overline{1, n}$.

Агар ИЁДни ўзгарувчан юкланиш бўйича кўрадиган бўлсак, бунда ҳам ноаниқ коэффициентлар усули ва Лаплас тенгламасининг ўзгаришини назарда тутган ҳолда қуйидаги тенгламани ечамиз:

$$\begin{aligned}
